

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Ибрагимов Темурбек Илҳом ўғли

БМА магистранти

Аннотация: *Мазкур мақолада тижорат банклари фаолиятида молиявий ҳисоботларни шакллантириш ва таҳлил қилиш амалиётининг назарий асослари ҳамда амалий аҳамияти атрофлича ёритилган. Банк ҳисоботларини шакллантиришда халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (МҲҲС) ва миллий меъёрлар ўртасидаги уйғунлик масалалари таҳлил қилинган. Мақолада горизонтал, вертикал ва коэффициентлар таҳлили каби асосий таҳлил усуллари банк ҳисоботларига татбиқ этилиб, уларнинг афзаллик ва чекловлари асосида таҳлилий хулосалар келтирилган. Шунингдек, молиявий кўрсаткичлар орқали банк фаолиятининг рентабеллик, ликвидлик, барқарорлик ва таваккалчилик даражаларини баҳолашнинг илмий-амалий йўналишлари таҳлил қилинган. Мақолада ҳисоботларни рақамлаштириш, ахборот тизимларига асосланган таҳлил воситаларини жорий қилиш бўйича таклифлар илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *молиявий ҳисобот, тижорат банки, таҳлил усули, МҲҲС, рентабеллик, коэффициент таҳлили, ҳисобот стандартлари, рақамлаштириш, ахборот тизими*

Abstract: *This article explores the theoretical foundations and practical significance of forming and analyzing financial statements in the activities of commercial banks. It examines the harmonization between International Financial Reporting Standards (IFRS) and national regulatory frameworks in the process of preparing bank reports. The study applies core methods such as horizontal, vertical, and ratio analysis to assess the structure and dynamics of financial data, identifying their strengths and limitations. Furthermore, it evaluates the bank's profitability, liquidity, stability, and risk exposure through financial indicators. The article also proposes recommendations for digitalization of financial reporting and the integration of information systems into financial analysis practices.*

Keywords: *financial reporting, commercial bank, analysis method, IFRS, profitability, ratio analysis, reporting standards, digitalization, information systems*

Тижорат банклари фаолиятида молиявий ҳисоботлар мустаҳкам ахборот асоси сифатида шаклланади. Ушбу ҳисоботлар орқали банкнинг молиявий аҳволи, операциялар ҳолати, капитал етарлилиги, ликвидлик даражаси, даромадлилик ва харажатлар тузилиши ҳақида аниқ маълумотлар ифодаланади. Молиявий ҳисоботларнинг тўғри ва ўз вақтида шакллантирилиши нафақат ички бошқарув учун, балки ташқи манфаатдор томонлар — инвесторлар, аудиторлар, назорат органлари ҳамда жамоатчилик учун муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий ҳисоботларни шакллантириш жараёни асосан Молия вазирлиги

ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) асосида амалга оширилади. Банклар ушбу стандартлар ва талаблар асосида ҳар чорак ва йил якуни бўйича тўрт асосий ҳисобот шаклини тайёрлайди: молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, фойда ва зарарлар ҳисоботи, капиталдаги ўзгаришлар ҳисоботи ва пул маблағлари ҳаракати ҳисоботи. Уларнинг ҳар бири маълум бир функция ва таҳлил йўналишини қамраб олади. Масалан, молиявий ҳолат ҳисоботи банк активлари ва пассивларининг мувозанатини акс эттирса, фойда ва зарарлар ҳисоботи банкнинг фаолият самарадорлиги ва рентабеллигини кўрсатади.

Тижорат банкларининг молиявий фаолиятини очиқ ва назоратга мос ҳолда юритишда асосий восита — бу халқаро стандартларга мос молиявий ҳисобот шакллари. 2021 йил 27 ноябрда Марказий банк томонидан қабул қилинган 3337-сонли ҳужжатда банклар томонидан тузилиши шарт бўлган ҳисобот шакллари, уларнинг мазмуни, мақсади ва шакллантириш тартиби аниқ белгилаб берилган.

Низомга мувофиқ, тижорат банклари молиявий ҳисоботларни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) талабларига мувофиқ ҳолда, камида қуйидаги тўрт асосий шаклда тақдим этиши шарт:

1. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот .

Бу ҳисобот шакли банкнинг маълум бир санадаги активлари, мажбуриятлари ва капиталининг тузилиши ва ўзаро мувозанатини ифодалайди. У банкнинг ликвидлик даражасини, молиявий барқарорлигини ва капитал етарлилигини таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Балансинг юқори қисмида активлар (нақд пул, мижозларга берилган кредитлар, инвестициялар) ва пастки қисмида мажбуриятлар ҳамда капитал бўлимлари жойлашади. Таҳлил жараёнида активлар ва пассивлар таркибидаги ўзгаришлар, мувозанат бузилишлари ва ликвид активлар улушига алоҳида эътибор қаратилади.

2. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот (Profit and Loss Statement)

Банкнинг маълум бир ҳисобот даврида олган даромадлари ва қилган харажатлари ушбу ҳисобот орқали ифода этилади. Бу ҳисобот орқали банкнинг операция фаолиятдан қанча фойда ёки зарар кўргани аниқланади. Фоизли даромадлар, фоизсиз даромадлар, фоизли харажатлар, маъмурий ва бошқа харажатлар алоҳида гуруҳлар бўйича кўрсатилади. Ушбу ҳисобот таҳлилида, хусусан, рентабеллик коэффициентлари (ROA, ROE), фойда структураси ва харажатларнинг самарадорлик даражаси баҳоланади.

1. Капиталдаги ўзгаришлар ҳисоботи

Тижорат банкининг капитал тузилишидаги ўзгаришлар — яъни акциядорлар ҳиссаси, тақсимланмаган фойда, захира капиталлар ва бошқа омиллар тасвирланади. Ушбу ҳисобот банкнинг молиявий барқарорликка

эришишда қандай ички молиявий стратегияларни қўллаётганини кўрсатади. Шунингдек, у ташқи маблағ жалб қилиш, дивиденд сиёсатини баҳолаш ва капиталнинг самарали фойдаланишини таҳлил қилиш учун асос ҳисобланади.

2. Пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот

Банкда ҳисобот даври мобайнида келиб тушган ва сарфланган пул оқимлари операциявий, инвестицион ва молиялаштириш фаолияти бўйича алоҳида кўрсатилади. Ушбу ҳисобот банкнинг ликвидлиги, нақд пулга бўлган эҳтиёжлари ва жорий фаолиятидаги пул айланмаси қандай ҳолда эканини аниқлаш имконини беради.

4.1-жадвал

Тижорат банлари молиявий ҳисобот шакллари мазмуни¹⁶

Ҳисобот шакли	Асосий мазмуни	Таҳлилий аҳамияти	МҲХСдаги ўрни
Молиявий ҳолат тўғрисида ҳисобот	Активлар, мажбуриятлар ва капиталнинг маълум бир санадаги ҳолати	Ликвидлик ва молиявий барқарорликни баҳолаш, актив-пассив мувозанати	IAS 1: Financial Position
Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот	Ҳисобот давридаги даромад ва харажатлар орқали фойда ёки зарарни кўрсатади	Рентабеллик даражасини, харажат самарадорлигини таҳлил қилиш	IAS 1: Profit or Loss and Other Comprehensive Income
Капиталдаги ўзгаришлар ҳисоботи	Банк капиталидаги ўзгаришлар: акциядорлар улуши, тақсимланмаган фойда ва бошқалар	Капитал етарлилиги ва ички ресурслар билан молиялаштириш даражасини баҳолаш	IAS 1: Statement of Changes in Equity
Пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот	Нақд пул тушуми ва сарфи: операциявий, инвестицион ва молиялаштириш фаолияти бўйича	Пул айланмаси, нақд оқимлар мувозанати ва ликвидлик босимини аниқлаш	IAS 7: Statement of Cash Flows

Молиявий ҳисоботлар асосан ҳисоб-китобларни автоматлаштирилган бухгалтерия тизимлари орқали юритилади. Бу тизимлар банк операцияларини реал вақтда қайд этиш, уларни таҳлил қилиш ва шаклланган маълумотларни ҳисоботларга интеграция қилиш имконини яратади. Бу ҳолат банк ҳисоботларининг аниқлигини ва тезкорлигини таъминлайди, аммо таҳлил учун алоҳида қўшимча алгоритм ва платформалар зарур бўлади.

Тижорат банкларида молиявий ҳисоботлар тузиш жараёни банк фаолиятини молиялаштириш манбалари билан чамбарчас боғлиқ. Банк фаолиятининг асосий молиялаштирувчи манбалари сифатида ўз капитали, мижоз депозитлари, жамғарма ҳисобварағидаги маблағлар ва халқаро молия институтларидан жалб этилган қарзлар қайд этилади. Ҳар бир манба ҳисоботда алоҳида турда ифодаланиб, пасивлар тузилмаси орқали таҳлил этилади. Бу эса банкнинг молиявий барқарорлиги, ресурс базасининг устуворлиги ва рискларга чидамлилигини баҳолашда муҳим мезонлардан биридир.

¹⁶ Марказий банкнинг 3337-сон қарори маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Банк ҳисоботларида акс эттириладиган даромадлар ва харажатлар эса асосан тижорат фаолияти самарадорлиги билан боғлиқдир. Фоизли даромадлар кредитлар, депозитлар ва қайта молиялаштириш фаолиятдан келиб чиқса, фоизсиз даромадлар банк хизматлари, комиссия йиғимлар ва валюта операциялари ҳисобидан шаклланади. Молиявий ҳисоботда ушбу кўрсаткичларнинг ўз вақтида ва тўлиқ акс эттирилиши, уларни тўғри гуруҳлаш ва таҳлил қилиш молиявий таҳлил жараёнида асосий вазифалардан ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботларни шакллантириш жараёнида ахборот шаффофлиги ва аниқлиги билан бирга, таҳлил учун қулайлик даражаси ҳам катта аҳамиятга эга. Таҳлилчилар ва бошқарув органлари ушбу ҳисоботлар асосида стратегик ва операцион қарорлар қабул қилар экан, ҳисобот шакллари ва маълумотлар тақдимотининг тушунарли ва таҳлил учун қўл келадиган бўлиши талаб этилади. Айрим ҳолларда бу маълумотлар қўшимча изоҳлар, қўлланмалар ва ҳисобот иловалари орқали бойитилиши зарур.

Бугунги иқтисодий жараёнлар таҳлил қилинганда, молиявий ҳисоботлар нафақат ҳисоб-китоб функциясини бажаради, балки тижорат банкларининг стратегик бошқарувида марказий ахборот манба сифатида фаолият юритади. Айниқса, уларни шакллантиришдаги тизимли ёндашув ва таҳлил қилишдаги методологик асослар банк фаолияти самарадорлигини тўғри баҳолашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қаралганда, Ўзбекистондаги тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган жамланма баланс маълумотлари орқали ушбу масалани комплекс таҳлил қилиш мумкин.

2024 ва 2025 йил 1 июни ҳолатига тақдим этилган кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатадики, банк активлари таркибида энг йирик улушни кредит қўйилмалари ташкил қилмоқда. 2024 йилда 476,6 трлн сўмни ташкил этган бу кўрсаткич 2025 йилда 546,4 трлн сўмгача ўсган. Бу ўсиш — банк секторида кредитлаш фаолиятининг тобора кенгайиб бораётганини, молиялаштиришда асосий функцияни айнан ана шу сегмент бажараётганини кўрсатади. Лекин таҳлил нуқтаи назаридан, бундай концентрациянинг рисклар билан боғлиқ эканлиги инобатга олиниши керак. Яъни, фаол активларнинг салмоқли қисми кредитларда жойлашган бўлса, бу кредит портфелининг сифатли таҳлилини талаб этади.

Таҳлилдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳисобот кўрсаткичлари асосида ишлаб чиқиладиган ҳар қандай молиявий таҳлил — юқори аниқлик ва чуқурликни талаб этади. Бунинг учун ҳисобот шакллари нафақат тўлиқ ва стандартларга мувофиқ бўлиши, балки таҳлил учун қулай, изоҳланган ва очиқ форматда тақдим этилиши лозим. Ўзбекистондаги тижорат банклари фаолияти мисолида кўринишича, ҳисобот кўрсаткичлари шиддатли ўсишда, лекин уларни интерпретация қилиш, таҳлил қилиш ва самарали бошқаришга йўналтириш

ҳали етарли эмас.

Инвестиция кўрсаткичидаги кескин ўсиш ҳам таҳлил нуқтаи назаридан муҳим. 2024 йилда 41,3 трлн сўм бўлган банк инвестициялари 2025 йилга келиб 70,8 трлн сўмга етган. Бу ҳолат тижорат банкларининг пул маблағларини турли молия бозорлари орқали даромадли йўналишларга жойлаштиришга интилаётганини англатади. Бироқ инвестиция активларининг динамикаси таҳлилида ликвидлик ва хатар баҳоси ҳам долзарб ҳисобланади.

Пул маблағлари кўрсаткичи ҳам таҳлилда муҳим. 2024 йилдаги 18,6 трлн сўмлик наъқд пул ҳажми 2025 йилда 22,6 трлн сўмгача ўсган. Бу банкнинг ликвид позициясини сақлаётганини ва жорий операциялар учун пул захиралари етарли эканлигини кўрсатади. Бироқ, ликвидлик даражаси жамғарма ва пасивларнинг умумий структураси билан солиштириб таҳлил қилинмаса, хулосалар бирёқлама чиқиши мумкин.

Тижорат банклари жамланма баланси 01.06.2025 ҳолатига



4.1-расм. Тижорат банклари жамланма баланси ҳолати таҳлили (01.06.2025)¹⁷

Пассивлар қисмининг таҳлилида депозитлар ва мижоз маблағларининг улуши ўсиб бораётгани кузатилади. Хусусан, 2024 йилда 257,2 трлн сўм бўлган депозитлар 2025 йилда 345,6 трлн сўмгача кўпайган. Бу ҳолат аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан банк тизимига ишонч ошганини тасдиқлайди. Бироқ пасивлар тўлиқ таҳлилида уларнинг таркибий тузилиши, муддатлилиги ва қайта молиялаштириш шароитлари алоҳида ўрганилиши зарур.

¹⁷ Марказий банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Мажбуриятлар таркибида хорижий банклардан жалб қилинган ресурслар ҳам муҳим ўрин тутди. Норезидент банклар олдидаги мажбуриятлар 2024 йилда 33,6 трлн сўм бўлган бўлса, 2025 йилда 44 трлн сўмдан ошиб кетган. Бу банкларнинг ташқи молиялаштиришга боғлиқлиги ошиб бораётганини англатади, ва бу тенденция миллий валютадаги хатарлар ва ташқи таъсирларга сезувчанликни оширади.

Таҳлилдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳисобот кўрсаткичлари асосида ишлаб чиқиладиган ҳар қандай молиявий таҳлил — юқори аниқлик ва чуқурликни талаб этади. Бунинг учун ҳисобот шакллари нафақат тўлиқ ва стандартларга мувофиқ бўлиши, балки таҳлил учун қулай, изоҳланган ва очиқ форматда тақдим этилиши лозим. Ўзбекистондаги тижорат банклари фаолияти мисолида кўринишича, ҳисобот кўрсаткичлари шиддатли ўсишда, лекин уларни интерпретация қилиш, таҳлил қилиш ва самарали бошқаришга йўналтириш ҳали етарли эмас.

Шу нуқтаи назардан, молиявий ҳисоботларни шакллантиришдаги усулларни янада такомиллаштириш, таҳлил жараёнида рақамли платформалардан кенг фойдаланиш ва таҳлилни тизимли қарор қабул қилиш воситаси сифатида жорий этиш — банк секторидаги ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи сифатида қаралиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2019 йил 11 ноябр.
2. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2019 йил 11 ноябр.
3. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2016 йил 13 апрел.
4. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2021 йил 5-феврал.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги «2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-5992-сонли Фармони
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3620 сон Қарори